

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАКИМОВА ЗУЛХУМОР КАРИМОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАРДА КЎРИШ  
АЪЗОСИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ХАВФ  
ОМИЛЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ИННОВАЦИОН  
ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт  
14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the Doctor of Sciences (DSc) dissertation abstract**

**Ҳақимова Зулҳумор Қаримовна**

Ўзбекистон шароитида узок умр кўрувчиларда кўриш аъзоси касалликларининг эпидемиологияси, хавф омиллари ва профилактикасини инновацион жиҳатлари..... 3

**Ҳақимова Зулҳумор Қаримовна**

Эпидемиология, фактори риска и инновационные аспекты профилактики заболеваний органа зрения у долгожителей в условиях Узбекистана..... 25

**Khakimova Zulkhumor Karimovna**

Epidemiology, risk factors and innovative aspects of the prevention of diseases of the organ of vision in long-livers in the conditions of Uzbekistan..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАКИМОВА ЗУЛХУМОР КАРИМОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАРДА КЎРИШ  
АЪЗОСИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ХАВФ  
ОМИЛЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ИННОВАЦИОН  
ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт**

**14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Tib730 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adti.uz](http://www.adti.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Мамасолиев Нематжон Солиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Камилов Холиджан Махамаджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирсайдуллаев Мирмахмуд Миршоҳидович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Имшенецкая Татьяна Александровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Исламов Зиёвуддин Садриддинович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Курск давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)**

Диссертация химояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «21» май кuni соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси 1 уй. Тел/факс (+998) 74-223-94-50, email: [info@adti.uz](mailto:info@adti.uz))

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1 уй. Тел/факс (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «8» 05 кuni тарқатилди.  
(2024 йил «21» 05 даги 32 рақамли реестр баённомаси)



**Х.Х. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.З. Мамарасулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**З.С. Салоҳиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2050 йилда 65 мамлакатда қариялар улуши 30 фоиздан ошади. 2050 йилда 60 ва ундан катта ёшдаги дунё аҳолиси тахминан 9,8 миллиард аҳолининг жами 2 миллиардини (20,4%) ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Бутун дунёда одамлар узок умр кўришмоқда. Инсон танаси, мукамал механизм сифатида, узок муддатли ҳаётийлик ва умр кўриш давомийлиги учун мўлжалланган, бу асосан инсоннинг ўзи учун уни қандай қуриши, уни қисқартириши ёки узайтириши, соғлиғига қандай ғамхўрлик қилиши билан белгиланади, чунки узок умр кўриш ва фаол ижодий ҳаётнинг асоси саломатликдир [Витовская О.П., 2013]. Маълумки, умр кўриш давомийлигининг 50% инсоннинг ўзи қандай турмуш тарзига риоя қилишига боғлиқ [Бородулина О.В. ва бошқ., 2019]. Ҳаёт сифати (инглизча — quality of life, қисқартирилган — QOL) — бу ҳар бир шахснинг қадр-қиммати ва эркинлиги даражасини белгилайдиган аҳоли ҳаётининг муҳим ҳолатлари тавсифланадиган тоифадир [Абдусатторов С.Ш. ва бошқ., 2016; Амосов Н.М., 2005; Артюхова С.И., Пурьгина Н.А., 2012; Пристром М.С. ва бошқ., 2015]. Шу сабабли, кексаларнинг ҳаёт сифати ва турмуш тарзини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар жуда муҳимдир.

Тактик ҳаракатларни аниқлаш учун аҳолининг ҳаёт сифатини назорат қилиш ва яхшилаш учун муаммонинг ҳолатини баҳолашнинг аниқ мезонлари зарур. Ҳаёт сифатини шакллантириш жараёнида тиббий хизматларнинг роли бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга, чунки инсон саломатлиги ҳаёт сифатини таъминлашнинг энг муҳим таркибий қисмидир [Абдусатторов С.Ш. ва бошқ., 2016; Горшунова Н.К., Киндрас М.Н., 2020; Гундаров И.А., 2001; Пушкина Э.С., Ленская Л.В., 2003; Слывко Е.Л., 2014]. Турли умумий касалликлар билан бир қаторда, узок умр кўрувчиларда кўриш аъзосининг касалликлари ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келадиган энг кенг тарқалган патологик шароитлардан биридир [Фролов М.А. ва бошқ., 2011; Хасанова Г.Р. ва бошқ., 2020]. Гипертензия, атеросклероз, юрак-қон томир, онкологик, мия касалликлари ва қандли диабет каби бир қатор умумий терапевтик касалликлар узок умр кўрувчиларда кўз патологияси ва кўрлик ривожланишининг асосий хавф омиллари ҳисобланади [Гиземанн Т. ва бошқ., 2019; Голованова М.А. ва бошқ., 2019; Камилов Х.М., Норматова Н.М., 2019; Мамасалиев Н.С., Камилов Х.М., 2023].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, “...Дунёдаги кўрларнинг 5 фоизи ёшга боғлиқ бўлган ретинал дегенерация туфайли кўриш қобилятини йўқотган ва 2040 йилга бориб тўр пардада ёшга боғлиқ макула ўзгаришлари бўлган беморлар сони 40% га ошади”<sup>1</sup>. Бу меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг 11 фоизиди ва 60 ёшдан ошганларнинг 28 фоизиди бирламчи ногиронликка олиб келади. Шу муносабат билан,

---

<sup>1</sup> WHO [webpage on the Internet] Prevention of Blindness and Visual Impairment. Priority Eye Diseases.2017; <https://www.who.int/blindness/causes/priority/en/index7.html>

кўриш аъзосининг ёшга боғлиқ патологиясини олдини олиш ва эрта ташҳислаш сифатини ошириш жуда муҳимдир. Жаҳонда офтальмологиянинг ривожланиши бирламчи тиббий-санитария ёрдамида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатининг яхшиланиши билан боғлиқ. Кекса ёшдаги кўриш аъзоси касалликларининг пайдо бўлиши ва эрта ташҳис кўйиш хавфини башорат қилиш моделини ташкил этишга тизимли ёндашишга қаратилган илмий тадқиқотлар энг долзарб масалалардир. Шу муносабат билан худудларда кексаларнинг кўриш аъзоси касалликлари ва кўриш қобилятининг заифлашуви туфайли ногиронлик ҳолатларини баҳолаш, юз ёшга тўлганларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ўрганиш, юз ёшлиларни эрта ташҳислаш ва диспансер кузатуви учун автоматлаштирилган ва шахсийлаштирилган электрон дастурлар ишлаб чиқиш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимини жаҳон андозалари даражасида такомиллаштириш мақсадида кекса аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича комплекс ва манзилли чора-тадбирлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Айтиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамай, ўз ечимини кутаётган катор муаммолар, жумладан, офтальмология соҳасида ҳам мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...пенсия олувчилар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш» бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан тиббий ёрдам сифатини, кўриш аъзоси касалликлари (КАК) учун хавф омилларини, кексаларнинг ҳаёт сифатини ўрганиш, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини оптималлаштиришга ҳисса қўшиш, шунингдек, ҳар иккала шахсийлаштирилган ва автоматлаштирилган электрон дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим йўналишлардан бири бўлиб, тиббиёт муассасаларининг тизимли фаолияти самарадорлигини ошириш усулларини, бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг хусусиятларини оширади.

Ушбу тадқиқот, соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат тизимини такомиллаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида (№56, №59, №66

мақсадлар)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари; 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 718-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ва бу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» нинг:

56-мақсади: Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий этиш.

Марказлаштирилган лаборатория, стерилизация тизими ва юқори технологик тадқиқотларни яратиш.

2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббиёт ходимлари салоҳиятини ошириш дастурини, шунингдек, 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш стратегиясини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

59-мақсади: Аҳолига малакали хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами соҳасига ажратилаётган маблағларни кўпайтириш.

Шу билан бирга, асосий эътибор уйма-уй юриб тиббий профилактика ишларини кучайтиришга қаратилиши, «мақсадли» скрининг ўтказиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши таъкидланди.

66-мақсади: ногиронларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг оилалари, жамият ва давлат билан муносабатларини мустаҳкамлаш, уларнинг қулай муҳитда бўлишлари, шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан тўсиқларсиз фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

**Тадқиқотни республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**

Кекса ёшдаги аҳолини кўриш аъзоси касалликларининг эпидемиологияси, этиологияси, эрта диагностикаси, даволаш, тиббий ёрдам сифати ва узоқ умр кўрувчиларни ҳаёт сифатини яхшилаш, кексаларда кўз касалликларининг олдини олишни иқтисодий самарадорлигини ўрганишга

каратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи олимлари томонидан амалга оширилмоқда. Жаҳонда кўплаб тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлари, шу жумладан: The National Institute of Eye, National Institute of Health (АҚШ); University Vita-Salute (Италия); University of Bordeaux, Inserm, Bordeaux Population Health Research Center, University Paris-Est (Франция); Institute of Neuropathology, University of Gottingen Germany (Германия); Westmead Hospital (Австралия); New England Eye Center, King's College Hospital (Буюк Британия); Higher Medical School of Ehime (Япония); Medical Center Tel-Aviv Sourasky (Исроил); Netherlands Institute for Neuroscience, Royal Netherlands Academy of Arts and Sciences (Нидерландия); И.П.Павлов номли Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия); Гельмгольц номли миллий кўз касалликлари тадқиқот маркази (Россия); Санкт-Петербург биорегуляция ва геронтология институти (Россия).

Кексаларда КАКни башорат қилиш, эрта аниқлаш ва олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар асосида бир қатор илмий натижалар қўлга киритилди. Жумладан: эпидемиология, таснифи, хавф омиллари, дори воситалари ёрдамида олдини олиш усуллари (University Vita-Salute, Италия, University of Bordeaux, Bordeaux Population Health Research Center, Франция); иккита йирик европа намуналарида (итальян ва француз) ўз-ўзини баҳолаш учун ишлаб чиқилган STARS сўровномаси бўйича кўриш аъзосининг ёшга боғлиқ патологиялари хавфини баҳолаш (University Paris-Est, Франция); демографик, генетик ва офтальмологик хавф омилларига боғлиқ ҳолда кексаларда КАК ривожланишининг хавфи модели ўрганиш (Clinica Universidad de Navarra, Pamplona, Испания; Ophthalmic Epidemiology and Genetics Service, Tufts University School and Medical Center, New England Eye Center, Англия). Кўз касалликлари туфайли ногиронликнинг тиббий-ижтимоий ва клиник-эксперт жиҳатлари ва тиббий-ижтимоий экспертизасини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Гельмгольц номли миллий кўз касалликлари тадқиқот маркази, Россия). Узок умр кўрувчиларда (узок умр кўрувчилар) кўриш аъзоси касалликлари (КАК) ривожланиш хавфини дастлабки босқичларида башорат қилиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, у кексаларда КАК ривожланиш хавфини камайтириш учун шахсий тавсияларни шакллантириш имконини берувчи офтальмологик скрининг текширувларида фойдаланилиши мумкин.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавжуд адабиёт таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикаси бўйича узок умр кўрувчилар касалланиши ҳақидаги илмий асосланган маълумотлар жуда кам. Ўзбекистон Республикасида 2002-2012 йиллардаги рўйхатга олинган кўз касалликлари ҳолатларини статистик таҳлилининг ўтказган З.У.Сидиков (2015) маълумотларига кўра касалланиш 100 000 аҳолига 2274,71±153,19 ташкил этиб, йиллик касалланиш кўрсаткичи ошиб бормоқда. Д.М. Туйчибаева, Ж.А. Ризаев (2021) тадқиқотларига кўра глаукоманинг йиллик тарқалиш кўрсаткичи 100 000 аҳолига 161,2±0,9 ҳолатни ташкил этади. Глаукома муаммоси, унинг кексалар орасида тарқалиши, бу ёш қатламнинг ўзини кўпайиши ва беморлардаги паст мобиллик ва даволаниш кўрсаткичларига

боғлиқ. Масалан, 40–45 ёшда бу касаллик 1–1,5% аҳолида учраса, 50–60 ёшда – 1,5–2%, 75 ёш ва ундан юқорида – 10–14% аҳолида учрайди.

З.Н. Мамасолиев (2022) томонидан Фарғона водийсида яшовчи кексалар орасида глаукоманинг тарқалиши ва у сабабли ногиронланиш муаммолари ўрганилган.

Н.С.Мамасолиев, Х.М.Камиловлар ва ҳаммуалифлар (2022) узок умр кўрувчиларда кўз касалликлари ва умумий соматик касалликлар ўртасидаги боғлиқлик кўрсаткичларини ўрганишган ва ногиронликка, кўрликка сабаб бўлувчи хавф омилларини солиштирма таҳлилини илмий асослашган.

Республикамизда офтальмологик патология профилактикаси бўйича тиббий ёрдамни ташкиллаштириш муаммоларига қаратилган тадқиқот фақатгина Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўтказилган бўлиб [Джамалова Ш.А., 2018], қандли диабетда кўриш бўйича ногиронланиш, тиббий хизматни ташкил этиш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш масалалари ўрганилган. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида З.У. Сидиков томонидан (2015) Ўзбекистон Республикаси аҳолисини кўз касалликлари билан хасталаниши ўрганилган. Тошкент тиббиёт академиясида А.Ф. Юсупов (2018) томонидан тўр парда ёшга хос макуляр дистрофияси (ТПЁМД)да кўз функционал ҳолатини комплекс баҳолаш бўйича тадқиқот ўтказилган, даволаш тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Н.Р. Янгиева, Ж.А. Ризаев (2021) томонидан Ўзбекистонда илк бора 2010-2019 йилларда тўр пардани ёшга хос дистрофияси билан касалланиш ва ногиронланиш бўйича илмий тадқиқот олиб борилган ва хулосалар берилган.

Адабиётларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида кўз касалликлари билан узок умр кўрувчилар хасталаниши бўйича маълумотлар йўқ. Замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитда кўз касалликлари билан хасталанган узок умр кўрувчиларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш ва илмий асосланган даволаш ва ташкилий чора-тадбирларни такомиллаштиришга бағишланган комплекс ижтимоий-тиббий ва клиник тадқиқотлар ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқоти бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат тиббиёт институти ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (ССВ) Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази илмий-тадқиқот ишлар режасига (2019-2022 йй.) мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мақсади.** Ўзбекистон Республикаси айрим ҳудудларида узок умр кўрувчилар орасида кўриш аъзоси касалликлари эпидемиологияси ва ҳамроҳ турли хил хавф омилларида уларнинг ривожланишини ўрганиш, ҳаёт ва тиббий хизмат сифатини баҳолаш, шунингдек офтальмоконтинуум профилактикасининг самарали инновацион дастурларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистоннинг турли иқлимий географик ҳудудларида яшовчи узок умр кўрувчилар орасида кўз касалликларининг тарқалишини ўрганиш;

Ўзбекистон ҳудудлари кесимида узок умр кўрувчилар орасида умумий

соматик патология тавсифи;

Ўзбекистон айрим худудларида узоқ умр кўрувчилар орасида кўз касаллиниши хавф омилларини тарқалганлигини ўрганиш;

Ўзбекистон айрим худудларида узоқ умр кўрувчилар орасида кўз касаллиниши устувор хавф омиллари ва коморбидлигини ўрганиш;

Ўзбекистон турли иқлимий географик худудларида узоқ умр кўрувчилар орасида кўз касалликлари туфайли ногиронланиш хусусиятларини ўрганиш;

Ўзбекистонда кўз касалликлари бўлган узоқ умр кўрувчиларни назоратга олиш, диспансеризация, касалликни эрта аниқлаш ва профилактикасини электрон дастурлаш тизимини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси узоқ умр кўрувчилар орасида кўз касалликларини эрта аниқлаш, даволаш алгоритмларини амалиётга тадбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида узоқ умр кўрувчилар анкета-сўровномаси, кўз касалликлари кузатилган узоқ умр кўрувчилар, кўз касалликлари хавф гуруҳлари, Ўзбекистоннинг турли хил иқлимий географик худудларида яшовчи 635 та узоқ умр кўрувчиларнинг умумий ва кўриш аъзосининг касаллиниши ҳолати ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб Ўзбекистон Республикаси бўйича 2019-2022 йилларда узоқ умр кўрувчиларнинг кўз касалликлари билан хасталаниш ва ногиронланиш кўрсаткичларини эпидемиологик тешируви, аҳолини анкеталаш, шунингдек, лаборатор таҳлиллар, умумклиник ва офтальмологик текширув натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** диссертацион тадқиқот давомида, эпидемиологик текширув, (анкеталаш) сўровнома, статистик, аналитик, прогностик (интеграл баҳолаш), клиник-инструментал, лаборатор-биохимик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси узоқ умр кўрувчиларида кўз касалликларини эпидемиологик аниқлашда янги методик ёндашувлар ва профилактик алгоритмлар ишлаб чиқилган;

янги методик ёндашув ва алгоритм асосида, сахар ва қишлоқ, эркак ва аёл узоқ умр кўрувчилар (узоқ умр кўрувчилар) орасида кўз касалликларини тарқалиши, ва тўр парданинг патологиялари орасида турли даражадаги гипертоник ретинопатия даражаси аниқланган;

кўз касалликлари бўлган узоқ умр кўрувчиларни электрон назорати, диспансеризацияси ишлаб чиқилган усул ёрдамида амалга оширилган, ва шаклланиш хусусиятлари ва уларни қиёсий таққосланиши, касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омиллари ўрганилган ва аниқланган;

асосий умумсоматик касалликлар ва кўз хасталикларини ривожланишида уларнинг коморбидлиги ва бошқа минтақаларга қараганда сезиларли даражада ахамияти асосланган;

аналитик проспектив тадқиқот йўли билан узоқ умр кўрувчиларда кўз касалликларини ривожланишига таъсир этувчи асосан унинг атрофияси шаклида асосий омиллар исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

узок умр кўрувчилар орасида кўз касалликлари билан хасталаниш хавфини баҳолаш; маҳаллий/худудий даражада барча узок умр кўрувчилар кўз касалликлари ривожланиши хавфи ва гуруҳларига ҳамда офталмоконтинуум бўйича (паст, меъёрида ва юкори) тақсимланиши аниқланди;

аниқланган кўз касалликлари хавфи ва офтальмоконтинуумга кўра турли, махсус, худудий ва индивидуаллаштирилган даволаш ва профилактика алгоритмлари;

бевосита яшаш жойларида мақсадли ва фаол даволаш-профилактика дастурларининг бажарилиши ва улар самарадорлигининг назорати ўтказилди;

скрининг ва профилактика ишлари самарадорлигини мониторинг қилиш, ойлик, чораклик ва йиллик бирламчи ва иккиламчи кўрсаткичларни кўз касалликлари (КК) билан касалланиш, ногиронлик ва КК туфайли кўрлик, айрим худудларда узок умр кўрувчиларда КК учун хавф омиллари нисбатининг таҳлили ўтказилди;

кўриш аъзоси касалликлари билан оғриган узок умр кўрувчилар ҳаёт сифатини ўрганиш натижалари уларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг такомиллаштирилган дастурини ишлаб чиқиш имконини берди;

кузатув тизими ва узок умр кўрувчиларда КАКни самарали аниқлаш, мониторинг қилиш, бошқариш, даволаш ва олдини олиш дастури асосида ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиш, бизнинг тахминларимизга кўра, хавф омили улушининг пасайишига, узок умр кўрувчиларни зарур сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш, ногиронлик ва эрта кўрлик сонини камайтиришга олиб келди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий, бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот усулларида фойдаланиш, шунингдек, бирламчи материалнинг етарли ҳажми ва миқдори, текширилган беморларнинг сони, статистик ва таҳлилий усуллар ёрдамида маълумотларни қайта ишлаш, шунингдек, тадқиқот натижаларини таққослаш билан тасдиқланди. Ҳорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш натижалари, тадқиқот натижаларининг муҳокамасини халқаро ва республика конференцияларида ўтказилиши, шунингдек, илмий-тадқиқот материалларини нуфузли илмий нашрларда чоп этилиши, бу тадқиқот натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги ва асослилигини кўрсатди.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, хулосалар ва таклифлар назарий ва амалий аҳамиятга эга, яъни биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг айрим худудлари бўйича узок умр кўрганларнинг соғлиғи ва кўриш қобилияти бўйича ногиронлиги тўғрисидаги маълумотлар 2019-2022 йиллар учун келтирилган. Бу маълумотлар ўз ўрнида узок умр кўрувчилар, кўзи ожизлар ва кўриш қобилияти бўйича ногиронлар ўртасида кўз касалликлари бўйича юкори сифатли профилактика ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Таклиф этилган бирламчи тиббий ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар усули узок умр кўрувчиларда КАК профилактикасини яхшилаш имконини берди. Тадқиқот натижаларининг

амалий аҳамияти шундан иборатки, мониторинг тизими асосида ишлаб чиқилган алгоритм ва бизнинг прогнозларимизга кўра, узок умр кўрувчилар да КАКни самарали аниқлаш, мониторинг қилиш, бошқариш, даволаш ва олдини олиш дастуридан фойдаланиш кўйидаги натижаларга эришишга имкон берди:

1) узок умр кўрувчилар да КАК учун хавф омилларини камида 50% га камайтириш;

2) узок умр кўрувчилар ни 100% зарур юқори сифатли профилактик ёрдам / офтальмологик назорат билан таъминлаш;

3) офтальмологик "охирги нуқталар" (ногиронлик ва эрта кўрлик) ни камида 15%, максимал 20% га камайтириш.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Андижон давлат тиббиёт институтининг 2024 йил 26 мартдаги 06/11 сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: Ўзбекистон Республикасидаги узок умр кўрувчиларнинг кўриш органи касалликларини эпидемиологик аниқлаш бўйича янги услубий ёндашувлар ва профилактика алгоритмлари ишлаб чиқилди. Республика ихтисослаштирилган кўз касалликлари микрохирургияси илмий амалий маркази Фарғона филиалида 2023 йил 19 июньдаги 80-сонли, Республика ихтисослаштирилган кўз касалликлари микрохирургияси илмий амалий маркази Наманган филиалида 2023 йил 19 июньдаги 204-А/Ф-сонли ва Андижон вилояти кўз касалликлари шифохонасида 2023 йил 19 июньдаги 11-сонли буйруқлар билан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги кўйидагилардан иборат: Фарғона водийси, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида олиб борилган эпидемиологик тадқиқотлар натижасида узок умр кўрувчиларда энг кўп учрайдиган кўз касалликлари аниқланди ва натижада офтальмолог шифокорлар учун кўз касалликларини эрта аниқлаш ва асоратларини олдини олиш учун профилактик алгоритм ишлаб чиқилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги кўйидагилардан иборат: Фарғона водийси, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида яшовчи узок умр кўрувчиларда кўз ёрдамчи аппарати касаллиги, гавҳар касаллиги, рефракция аномалиялари ва гипертония касаллигидаги кўздаги ўзгаришлар асосий кўз касалликлари эканлигини эпидемиологик аниқланиши офтальмолог шифокорлар учун кўз касалликларини эрта аниқлаш ва асоратларини олдини олиш учун профилактик алгоритм ишлаб чиқилишига асос бўлди. Натижада ушбу касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва улардан келиб чиқадиган асоратларни олдини олишдан 2050000 сўм маблағни иқтисод қилишга эришилди. Хулоса: Фарғона водийси, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида яшовчи узок умр кўрувчиларда кўриш аъзоси касалликларидан кўз ёрдамчи аппарати касаллиги, гавҳар касаллиги, гипертония касаллигидаги кўздаги ўзгаришлар, рефракция аномалиялари асосий кўз касалликлари эканлиги аниқланди ва натижада уларни олдини олиш профилактик алгоритми ишлаб чиқилди ва бу билан кўрлик ва ногиронликни самарали профилактикасига эришилди. Тўғри ва вақтида клиник ташхис қўйишга ва даволашга, профилактикасига эришилиши 1

нафар узоқ умр кўрувчини бир марта кўз бўлимида қайта ётиб даволаниши учун ўртача (ҳозирги кунда клиникамизда офталъмология бўлимида 1 кун ётиш 75000 сўм, дори-дармонга 23000 сўм) ўн кун ётиб даволанишдан 980 000 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берди.

Иккинчи илмий янгилик: узоқ умр кўрувчиларда илк бора энг кўп учрайдиган асосий умумий терапевтик касалликлар ва уларнинг ўзаро коморбидлиги, кўрув аъзоси касалликларини ривожланишидаги роли аниқланди. Бу янгилик Республика ихтисослаштирилган кўз касалликлари микрохирургияси илмий амалий маркази Фарғона филиалида 2023 йил 19 июньдаги 80-сонли, Республика ихтисослаштирилган кўз касалликлари микрохирургияси илмий амалий маркази Наманган филиалида 2023 йил 19 июньдаги 204-А/Ф-сонли ва Андижон вилояти кўз касалликлари шифохонасида 2023 йил 19 июньдаги 11-сонли буйруқлар билан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўрганилган регионларда яшовчи узоқ умр кўрувчиларда бош мия қон томирларини атеросклерози, гипертония, юрак ишемик касалликлари, ошқозон ичак тракти касалликлари, таянч ҳаракат тизими касалликлари ва анемия каби умумсоматик касалликларини кўз ёрдамчи аппарати касалликлари, гавҳар касалликлари, гипертония касаллигидаги кўздаги патологик ўзгаришларни ривожланишидаги хиссасини билиш натижасида кўз касалликларини даволашда, асоратларини олдини олишда муҳим кўрсаткич эканлигини билишга хизмат қилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кўз касалликларидан кўз ёрдамчи аппарати касалликлари, гавҳар касалликлари, гипертония касаллигидаги кўздаги патологик ўзгаришлар умумий касалликлардан бош мия қон томирлари атеросклерози, гипертония, ва бошқа умумий касалликлар билан коморбидлик даражасини офталъмолог ва умумий амалиёт шифокорларини билишларидан, беморларда кўз касалликларидан ва умумий касаллигидан келиб чиқадиган асоратларни, ногиронлик ва кўрликнинг олдини олишга ва беморларни кўз ёрдамчи аппарати касалликларидан 34,9% ҳолатда тузалиб кетишига олиб келди, 26,2% ҳолларда яхшиланишга; гавҳар касалликларида мос равишда 56,2% тузалиш ва 16,0% ҳолатда яхшиланишга олиб келди. Натижада жами 1 576 000 сўм маблағни иқтисод қилишга эришилди. Хулоса: узоқ умр кўрувчилар да учрайдиган асосий умумий касалликлар ва уларни кўз касалликларни ривожланишидаги ролини билиш натижасида, беморларда кўз касалликларидан ва умумий касаллигидан келиб чиқадиган асоратларни, ногиронлик ва кўрликнинг олдини олишга олиб келди. Натижада жами 1 576 000 сўм маблағни иқтисод қилишга эришилди.

Учинчи илмий янгилик: кўрув аъзоси касалликларини олдини олишнинг илмий асос берувчи хавф омиллари концепцияси ишлаб чиқилди. Регионларда энг кенг тарқалган хавф омилли бу юқори инсолясия (18,09%) ва касалликни наслдан наслга ўтиши омилли ҳам ҳудудларда асосий омиллардан эканлиги, кейинги ўринларда чекиш (7,5%) ва аксарият углеводли овқатланиш (13,95%) каби хавф омиллари аниқланди. Рефракция аномалияларида энг кўп хавф омилли бу алкоголизм (8,57%) ва аксарият углеводли овқатланиш (6,98%)

эканлиги аниқланди. Ушбу янгилик Республика ихтисослаштирилган кўз касалликлари микрохирургияси илмий амалий маркази Фарғона филиалида 2023 йил 19 июндаги 80-сонли, Республика ихтисослаштирилган кўз касалликлари микрохирургияси илмий амалий маркази Наманган филиалида 2023 йил 19 июндаги 204-А/Ф-сонли ва Андижон вилояти кўз касалликлари шифохонасида 2023 йил 19 июндаги 11-сонли буйруқлар билан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кўз касалликларига сабаб бўлувчи хавф омилларини аниқлаш ва уларни хавфлилик даражасини ва бир неча хавф омилнинг биргаликда кечишини офтальмолог ва умумий амалиёт шифокорларининг билишлари, бу ёшдаги аҳолини кўз касалликларини ривожланишини, кўрлик ва ногиронлик ҳолатининг олдини олишга хизмат қилди ва кўп факторли профилактик чоратадбирларни қўллаш зарурлигини кўрсатди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат бўлди: 1) Узоқ умр кўрувчиларда кўриш аъзоси касалликлари учун хавф омилларини камида 50% га камайишига эришилди; 2) Узоқ умр кўрувчиларни 100 фоизини зарур юқори сифатли профилактик ёрдам / офтальмологик назорат билан таъминланишига эришилди; 3) офтальмологик "охирги нуқталар" нинг камида 15%, максимал 20% ни камайтиришга (ногиронлик ва эрта кўрлик) эришилди. Натижада 1 нафар узоқ умр кўрувчини бир марта кўз бўлимида қайта ётиб даволаниши учун ўртача (ҳозирги кунда клиникамизда офтальмология бўлимида 10 кун ётиш 1 420 000 сўм, дори-дармонга 550000 сўм) 1 970 000 сўм маблағни иқтисод қилишга эришилди. Хулоса: Кўз касалликларининг ривожланишига олиб келувчи юқори инсолясия, наслий омил, чекиш, алкоголь, истеъмол қилиш, аксарият углеводли овқатланиш тартиби каби хавф омилларини билиш орқали кўрлик ва ногиронликни 30% олдини олишга эришилди.

Тўртинчи илмий янгилик: Ўзбекистоннинг турли иқлимий географик худудларида яшовчи узоқ умр кўрувчиларининг орасида кўз касалликлари туфайли ногиронланиш хусусиятлари ўрганилди. Бу янгилик Республика ихтисослаштирилган кўз касалликлари микрохирургияси илмий амалий маркази Фарғона филиалида 2023 йил 19 июндаги 80-сонли, Республика ихтисослаштирилган кўз касалликлари микрохирургияси илмий амалий маркази Наманган филиалида 2023 йил 19 июндаги 204-А/Ф-сонли ва Андижон вилояти кўз касалликлари шифохонасида 2023 йил 19 июндаги 11-сонли буйруқлар билан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: узоқ умр кўрувчиларни кўз касалликлари ва бир вақтдаги умумий касалликлари туфайли ногиронланиш кўрсаткичларини билиш соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинидаги офтальмолог ва умумий амалиёт шифокорларига узоқ умр кўрувчилардаги ногиронликка сабаб бўлувчи омилларини бартараф этишда ва олдини олишда профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўрганилган регионлардаги кўз касалликлари бўлган узоқ умр кўрувчиларни кўз касалликлари туфайли ногиронланиш кўрсаткичларини билиш натижасида 20% га олдини олишга эришилди, ўз

вақтида даво муолажаларини белгилашга имкон яратди ва натижада узок умр кўрувчиларда шифохонада ётиб даволаниш ва даволанишга сарфланадиган иқтисодий харажатларни 50% ҳолатда кўз касалликларининг ривожланиб кетишини тўхтатишга сабаб бўлди. Бир беморни 10 кун стационар даволанишидан 1 970 000 сўм иқтисод қилиш имконини берди. Хулоса: узок умр кўрувчиларни кўз касалликлари ва бир вақтдаги умумий касалликлари туфайли ногиронланиш кўрсаткичларини билиш соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинидаги офтальмолог ва умумий амалиёт шифокорларига узок умр кўрувчилардаги ногиронликка сабаб бўлувчи омилларини бартараф этишда ва олдини олишда профилактик чора тadbирларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилди ва натижада бир беморни 10 кун стационар даволанишидан 1 970 000 сўм иқтисод қилиш имконини берди.

Бешинчи илмий янгилик: узок умр кўрувчи аҳолиси орасида кўриш аъзоси касалликларини кузатиш, диспансеризацияси, бошқариш, даволаш ва олдини олиш алгоритми ва электрон дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга Республика ихтисослаштирилган кўз касалликлари микрохирургияси илмий амалий маркази Фарғона филиалида 2023 йил 19 июньдаги 80-сонли, Республика ихтисослаштирилган кўз касалликлари микрохирургияси илмий амалий маркази Наманган филиалида 2023 йил 19 июньдаги 204-А/Ф-сонли ва Андижон вилояти кўз касалликлари шифохонасида 2023 йил 19 июньдаги 11-сонли буйруқлар билан жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: яратилган алгоритм бирламчи тиббий-санитария ёрдами даражасида кўз шифокори ва оилавий шифокорнинг клиник кўрикдан ўтказиш, ўз вақтида ташхис қўйиш ва узок умр кўрувчиларда кўрик аъзоси касалликларини олдини олиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш имконини берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: профилактик тиббий кўрик алгоритмидан фойдаланиш бирламчи тиббий-санитария ёрдами даражасида кўз касалликларини эрта аниқлаш, ташхис қўйиш ва ўз вақтида даволаш имконини берди; узок умр кўрувчиларда ҳолати 3,5 баробарга яхшиланди, 89% ҳолларда кўз касалликларининг ривожланишини тўхтатишга олиб келди. Бу Фарғона водийсида кузатувда бўлган 60 та узок умр кўрувчилар даволанишига 3 миллион 360 минг сўм маблағни тежаш имконини берди. Хулоса: бирламчи тиббий-санитария ёрдами даражасида кўз касалликларини клиник кўрикдан ўтказиш, ўз вақтида ташхислаш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм касалликни барвақт аниқлаш, ташхис қўйиш ва ўз вақтида даволаш имконини берди ва бунинг натижасида узок умр кўрувчиларда ҳолатини 3,5 баробарга яхшилади, кўрув аъзолари касалликларини 89% ҳолларда ривожланишини тўхташига эришилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, 12 та мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси

томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та республика ва 5 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, 6 бобдан ташкил топган шахсий илмий тадқиқотлар, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 195 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Узоқ умр кўрувчиларда кўриш аъзоси касалликларининг тарқалганлиги ва уларнинг ривожланиш хавфи омиллари ҳақида замонавий кўриниши”** мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари батафсил ёритилган, кўз касалликлари ва натижада келиб чиққан ногиронлик ҳолатлари бўйича хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Шундай қилиб, тадқиқот мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, кўриш аъзоси касалликларининг ривожланишининг асосий хавф омиллари ва уларнинг узоқ умр кўрувчиларда клиник кечиш хусусиятлари, шунингдек, узоқ умр кўрувчиларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати билан боғлиқ саволлар ҳал қилинди ва ҳал қилиниши керак бўлган масалалар таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Материал ва тадқиқот усуллари”** номли иккинчи бобида материал ва тадқиқот усуллари келтирилган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда Фарғона водийси (Андижон, Фарғона, Наманган), Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида узоқ умр кўрувчилар ўртасида касалланиш ва ногиронлик ҳолати таҳлил қилинди. Тадқиқотлар босқичма-босқич, икки блокда олиб борилди: тиббий-ижтимоий ва клиник. Ишда статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди — мутлоқ ва интенсив кўрсаткичлар (10000 аҳолига) ўрганилди. Аналитик усул умумий касалланиш структурасини ўрганишда, офтальмологик патология билан касалланиш хавфи омилларини ўрганишда, шунингдек, узоқ умр кўрувчилар турли гуруҳлари (ёши, ижтимоий, жинси ва бошқа кўрсаткичлар) кўрсаткичларини (интенсивлигини) қиёсий ўрганишда қўлланилди, бунда 90 ва ундан катта ёшдаги жами 635 киши ўрганилди. Статистик ишлов бериш Pentium IV шахсий компьютерида Windows XP операцион муҳитида Microsoft Excel дастурий пакети ёрдамида амалга оширилди. Дастлабки маълумотларни тўплаш, тузатиш, тизимлаштириш ва олинган натижаларни визуаллаштириш Microsoft Office Excel 2016 электрон жадвалларида амалга оширилди. Статистик

тахлил IBM SPSS Statistics v.26 (разработчик - IBM Corporation) ёрдамида амалга оширилди.

**“Ўзбекистоннинг турли иқлимий географик зоналарида яшовчи узок умр кўрувчиларда кўриш аъзоси касалликларининг клиник-диагностик хусусиятлари”** номли учинчи бобда кўриш аъзоси касалликлари билан оғриган узок умр кўрувчиларни умумий офтальмологик тавсифи ва кўриш аъзоси касалликларининг тузилиши берилган. узок умр кўрувчиларда худудлар бўйича КАК энг кўп тарқалган касалликлари Фарғона водийсида кўз ёрдамчи аппарати касалликлари ва гавхар касалликлари, Жиззах вилоятида эса кўз ёрдамчи аппарати, гавхар ва гипертоник ретинопатия, Қашқадарё вилояти — кўз ёрдамчи аппарати, гипертоник ретинопатия ва гавхар касалликлари. Кўриш аъзолари касалликлари туфайли ногиронлик энг юқори (3,9 фоиз) Жиззах вилоятида (464 нафар узок умр кўрганларнинг 18 нафари), Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 1748 нафар узок умр кўрганларнинг 43 нафари (2,5 фоиз), Фарғона водийсида. — 4118 нафардан 48 нафари, бу 1,2% ни ташкил этди.

Диссертацияниг **“Ўзбекистоннинг турли иқлимий географик минтақаларида яшовчи узок умр кўрувчиларда умумий соматик патологиянинг кечишини ўзига хослиги ва хавф омиллари”** номли тўртинчи бобда худудлар бўйича узок умр кўрувчиларлар соматик патологияси ва ногиронликнинг тахлили ўтказилди. Фарғона водийсининг узок умр кўрувчилар аҳолиси орасида энг кўп учрайдиган патология бош мия томирларининг атеросклерози бўлиб, 368 нафар беморда кузатилган; Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг узок умр кўрувчилар аҳолиси орасида бош мия қон томирларининг атеросклерози ва юрак ишемик касалликлари энг кўп учрайди (1-жадвал). Соғлиқни сақлаш бошқармаларининг статистик маълумотларига кўра умумий терапевтик патология бўйича ногиронлик ҳолати тахлили шуни кўрсатдики, Фарғона водийси узок умр кўрувчилар аҳолисидан 18 нафари умумий терапевтик патология бўйича ногиронлиги бор, 7 нафари биринчи ва 11 нафари иккинчи; Жиззах вилоятида узок умр кўрувчилар орасида 5 нафар (мос равишда 3 ва 2 нафар), Қашқадарё вилояти узок умр кўрувчилар аҳолиси орасида эса 29 нафар (мос равишда 21 ва 8 нафар) ногиронлиги бор. узок умр кўрувчилар орасида офтальмологик касалланишнинг асосий минтақавий хавф омиллари билан боғлиқлиги ўрганилиб, Фарғона водийсида гавхар патологияси (53,26%), гипертоник ретинопатия (61,08%) ва кўз ёрдамчи аппарат касалликлари (58,59%) билан касалланиш даражаси зарарли омилларнинг таъсири билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатди. Кўз ёрдамчи аппарати билан касалланиш нуқтаи назаридан, энг кенг тарқалган хавф омиллари юқори инсоляция (18,09%); Диабетик ретинопатия ривожланиши билан алкоголизм (11,43%) ва чекиш (5,00%) сезиларли бўлиб чиқди. Жиззах вилоятининг узок умр кўрувчиларда КАК билан касалланган аҳолисига зарарли омилларнинг таъсирини ўрганишда зарарли омилларга энг кўп сезгир бўлганлар гавхар касалликлари (25%), гипертония ретинопатияси (24,48%) ва (19,79%) кўзнинг ёрдам аппарати касалликлари эканлиги аниқланди. Қашқадарё вилоятида гавхар

касалликлари (29,15%), гипертоник ретинопатия (28,41%) ва кўз ёрдамчи аппарати касалликлари (19,74%) кўпинча ташқи хавф омиллари таъсирига боғлиқ экани аниқланди. Кўз ёрдамчи аппарати патологиясининг ривожланиши билан чекиш (57,14%), юқори инсоляция (23,18%) ва аксарият углеводли озикланиш (21,64%) энг муҳим хавф омиллар эди. Рефракция аномалиялари бўлган узок умр кўрувчилар 48,57 фоизида энг муҳим хавф омили чекиш бўлиб, текширилганларнинг 48,57 фоизида содир бўлган. Катаракта билан беморларда деярли 97,14% ҳолларда чекиш кузатилган, 34,33% да аксарият углеводли озикланиш устунлик қилган.

Анкета-сўровнома ва КАКнинг прогностик шкаласи ишлаб чиқилди. Бунинг учун биз Баеснинг эҳтимолий усулига асосланган нормаллаштирилган Шиган Э.Н. (1983) нинг интенсив кўрсаткичлар усулидан фойдаландик.

Нормаллаштирувчи қиймат (М) сифатида текширилган узок умр кўрувчилар гуруҳи орасида КАК билан касалланган беморларнинг аниқланиш кўрсаткичи олинган. Нормаллаштирувчи интенсив кўрсаткич (НИК) ҳар бир омилнинг градациялари учун ўрганиш давомида олинган кўрсаткични ўрганилаётган контингентдаги кўрсаткичга бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилган. Ҳар бир омилнинг аҳамияти ва уларнинг градациялари нисбий хавф индекси (НХИ) билан омилнинг максимал қийматини минималга бўлиш орқали аниқланди. Ўрганилаётган ҳодисани ҳар томонлама баҳолаш учун интеграл баҳолаш (ИБ) аниқланди, у ҳар бир омил ичидаги градация учун нормаллаштирувчи интенсив индексни нисбий хавф индексига (НХИ) кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқилган. Биз томондан олинган натижалар КАК ривожланишининг нисбий хавфи кўрсаткичларининг маълум бир ўзига хослигини кўрсатди, натижада хавф омиллари ва даражалар бўйича жойларнинг рейтингини 2-жадвалда келтирилган.

Олинган натижаларнинг аналитик таҳлили (R) “Ирсий мойиллик”, “қуёш нурланиши” ва “ёш” омиллари юқори даражада юзага келишини кўрсатди. “Аксарият углеводли овқатланиш”, “чекиш”, “спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш” каби омиллар ўртача даражага эга, “жинс” ва “семизлик” омиллари эса паст даражада намоён бўлади. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ўрганилаётган омиллар мажмуасининг таъсири натижасида КАК нинг пайдо бўлиши учун интеграцияланган хавф кўрсаткичининг қиймати қанчалик юқори бўлса, ушбу беморда КАК ривожланиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади ва уни ёмон прогнозлар гуруҳига киритиш учун асослар кўпроқ бўлади. Ўрганилаётган КУКларда соматик касалликларнинг ривожланиши учун хавф омилларининг тарқалиши жуда муҳимдир. Эркакларда артериал гипертензия 40,3% ҳолларда, аёлларда 35,5%; эркакларда семизлик 54,8%, аёлларда 57,2% ҳолларда қайд этилган; гипергликемия мос равишда 28,3% ва 18,7%; гиперхолестеринемия мос равишда 63,4% ва 50,9%. Шундай қилиб, артериал гипертензиянинг тарқалиши 40%, ортиқча вазн 44,6%, чекиш 43,3% ни ташкил этади, бу эса КУК орасида юрак-қон томир тизими касалликлари туфайли касалланиш ва ногиронликнинг юқори фоизини белгилайди.

## Ўрганилган ҳудудлар бўйича узоқ умр кўрувчиларда соматик патологиянинг структураси

Касалликлар	Ҳудудлар									Пирсон-квадрати		Жами		
	Фарғона водийси			Жиззах вилояти			Қашқадарё вилояти			с2	Р	абс	М (%)	м
	абс	М (%)	м	абс	М (%)	м	абс	М (%)	м					
Бош мия томирларининг атеросклерози	368	17.05	0,81	43	14.88	2.09	169	13.65	0,98	8.665	0,013	580	15.74	0,60
Юрак ишемик касаллиги	311	14.41	0,76	41	14.19	2.05	154	12.44	0,94	14.029	0,001	506	13.73	0,57
Миокард инфаркти	59	2.73	0,35	9	3.11	1.02	23	1.86	0,38	1.091	0,580	91	2.47	0,26
Гипертония касаллиги	245	11.35	0,68	32	11.07	1.85	115	9.29	0,83	2.993	0,224	392	10.64	0,51
Қандли диабет	19	0,88	0,20	2	0,69	0,49	13	1.05	0,29	2.061	0,357	34	0,92	0,16
Анемия	115	5.33	0,48	24	8.30	1.62	75	6.06	0,68	19.246	0.000	214	5.81	0,39
Нафас олиш тизими касалликлари	55	2.55	0,34	3	1.04	0,60	25	2.02	0,40	2100	0,350	83	2.25	0,24
Ошқозон-ичак тракти касалликлари	126	5.84	0,50	25	8.65	1.65	103	8.32	0,78	44.839	0.000	254	6.89	0,42
Таянч-ҳаракат тизими касалликлари	222	10.29	0,65	19	6.57	1.46	102	8.24	0,78	4.791	0,091	343	9.31	0,48
Сийдик йўллари касалликлари	132	6.12	0,52	14	4.84	1.26	64	5.17	0,63	1.428	0,490	210	5.70	0,38
Асаб тизими касалликлари	60	2.78	0,35	6	2.08	0,84	41	3.31	0,51	7.554	0,023	107	2.90	0,28
Қулоқ томоқ бурун патологияси	52	2.41	0,33	11	3.81	1.13	125	10.10	0,86	205.113	0.000	188	5.10	0,36
Семизлик	28	1.30	0,24	3	1.04	0,60	12	0,97	0,28	0,013	0,993	43	1.17	0,18
Кам ҳаракатлик турмуш тарзи	199	9.22	0,62	38	13.15	1.99	136	10.99	0,89	54.465	0.000	373	10.12	0,50
Ирсий мойиллик	167	7.74	0,58	19	6.57	1.46	81	6.54	0,70	1.781	0,410	267	7.25	0,43
<b>Жами</b>	<b>2158</b>	100.00	0,00	<b>289</b>	100.00	0,00	<b>1238</b>	100.00	0,00			3685	100.00	0,00

## Кўриш аъзоси касаллигининг келиб чиқишига сабабчи бўлган хавф омилларини мажмуий интеграл баҳолаш

Хавф омиллари	Хавф омилларининг градацияси	НПС (н)	ОР (R)	ИО (X)	Мин .	максимал _
Ёш	90-94	1.69	5.27	8.9	2.84	15.01
	95-99	2.0		10.54		
	100 ва ундан юқори	2.85		15.01		
Жинси	эр.	3.54	1.17	4.14	4.14	4.85
	аёл	4.15		4.85		
Кўз касалликларига ирсий мойиллик	Йўқ	0,61	8.57	5.22	5.22	14.82
	билмайди	1.85		10.85		
	Ҳа	5.23		14.82		
Чекиш	Йўқ	1.15	2.46		2.67	8.11
	Ҳа	3.13		7.87		
Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш	Йўқ	1.34	1.69	3.76	3.87	7.90
	Ҳа	3.78		5.85		
Қуёшдан нурланиш	Заиф	1.45	3.86	5.34	5.76	21.86
	Ўрта	4.89		11.23		
	юқори	5.99		19.47		
Аксарият углеводли овқатланиш	тартибсиз	3.23	4.78	4.66	5.77	7.90
	Мунтазам равишда	7.54		7.98		
Семизлик	Йўқ	1.85	2.13	3.52	3.69	7.12
	Ўртача	2.43		4.67		
	ифодаланган	3.56		6.86		
Кам характли турмуш тарзи	Ҳа	1.09	2.86	3.05	3.81	8.94
	Йўқ	3.53		8.97		

